

**Фориш туман ахборот-кутубхона маркази
Ахборот-библиография хизмати**



**1916 йилги “Боғдон қўзғолони” ва ушбу
қўзғолон пешвоси Абдурахмон
Абдужабборов ҳақида
китобхонлар учун эслатма**

Фориш-2025 йил

УДК 94(5)575.1)

Ушбу эслатмада бугунги тинч ва осойишта ҳаётимиз учун курашган аجدодларимиз ҳақида. Ушбу дориламон кунларга эришишимиз учун халқимиз ва миллатимизнинг асл фарзандлари ўз жонини фидо қилган, озодлик учун курашганлар. "Боғдон кўзғолони" ҳақида ва юрт фарзанди Абдурахмон Абдужабборовнинг мард ўғлонларга бош бўлиб, ёвга қарши мардонавор курашлари ҳақида шахсий архив материаллари асосида тарихий маълумотлар берилган. Боғдон волостидаги 1916 йилги кўзғолон ҳақида баъзи тарихий манбалар мавжуд.

Мазкур манбада Фориш туманидан чиққан озодлик ҳаракатининг пешвоси Абдурахмон жевачи ва унинг фидойи биродарлари, эрк учун курашган халқнинг тарихи ёритилди.

Tayyorladi: Forish tuman axborot-kutubxona markazi

Axborot-bibliografiya xizmat rahbari N. Artikova

Сўз боши

Мустақиллик - олий неъмат. У ўзбек халқига бекиёс имкониятларни берди, ўзлигимизни танидик, улуғ миллат эканлигимизни дунё тан олди. Чорак асрдан ошдики, эркин ва озод ҳаёт кечиряпмиз, турмушимиз фаровон.

Бугунги тинч ва осойишта ҳаётга осонлик билан эришилгани йўқ. Аждодларимиз асрлар давомида орзу қилган кунларга эришдик. Бу дориламон кунлар учун халқимиз ва миллатимизнинг асл фарзандлари ўз жонини фидо қилган, озодлик учун курашганлар.

Боғдон қўзғолони ҳақида

Ўзбек халқининг қора саҳифаларидан бири мардикорликка олиш воқеалари бўлиб, 1916 йил 25 июнда Подшо Николай II нинг “Империядаги бегона халқлар эркак аҳолисини ҳаракатдаги қўшин ҳудудида ҳарбий иншоотлар ва давлат мудофааси учун зарур бошқа ҳар қандай ишларга жалб этиш тўғрисида”ги фармойиши билан амалга оширилган. Сафарбарлик жараёнида мардикорлар Москва, Петроград, Киев, Харьков, Одесса, Курск, Псков, Қозон, Орёл, Рязань, Нижний-Новгород, Тула, Брянск, Екатеринбург, Оренбург, Ектринослав, Запорожье, Батуми, Тифлис шаҳарлардаги машинасозлик, паровозсозлик корхоналари ҳамда Белоруссия, Кубан, Бессарабия ўрмонларига энг оғир юмушларга юборилиши белгиланган.

Мардикорликка сафарбарлик ишлари 16 сентябрдан бошлаб юборилади. Зулм исканжасида қолган оддий халқ бу фармонни зўр қайғу ва нафрат билан қаршилади. Айниқса, рўйхатга камбағаллар киритилиб, бадавлат кишиларнинг озод қилиниши подшо тузуми ва сиёсатига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатига айланди.

Боғдонликлар азалдан эркак ташна халқ бўлгани учун ҳам рус мустабидига қарши биринчилар қатори курашга отланадилар. Қўзғолончилар рус мустабидига қарши кураш олиб бордилар. Боғдонликларнинг бу қўзғолонига Абдурахмон жевачи етакчилик қилади. У одамлар орасида истилочиларга қарши ташвиқот ишларини олиб боради. Истилочиларни ўлкадан ҳайдаб чиқиб, озодликка эришиш, халқни икки ёқлама зулмдан озод қилиш ҳақидаги ташвиқотлари халқ томондан қўллаб-қувватланади. Ўзбекистон давлат архивида сақланаётган ҳужжатларда баён этилишича, истилочиларга қарши қўзғолон уюштириш мақсадида аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари олиб бориш учун Янгиқишлоқда - Абдурахмон жевачи, Қўлва қишлоғида жевачининг ўғли Қўнғирбой Қосимов, Зиёд Сариев, Бахтибой, Илончида Жайноқ Абдурашулов, Жўра Абдуғаппоров, Ётоқ қишлоғида Шаҳарбой Имомбоев, Нурак қишлоғида Зулфиқор Йўлдошев кабилар фаолият кўрсатадилар. Улар камбағал

деҳқонларни истилочиларга қарши қўзғолон кўтаришга сафарбар қилишда катта ташкилотчилик ишларини олиб бордилар.

Тарих фанлари номзоди Т.Жавлонов ўзининг «Жиззах ҳақиқати» рузномасининг 1991 йил 29 январь сонидида чоп қилинган «Уйғониш» номли мақоласида қўзғолон бошлиғи Абдурахмон жевачи ўлкани чоризм мустамлакасида кутқозиш учун бирлашиш, хусусан Жиззах воҳасида кўтарилган халқ қўзғолонини бирлаштириш лозимлигини тўғри тушунган эди, деб баён қилади. Шунинг учун ҳам Абдурахмон укаси Бобобек Абдужабборовни Жиззахга Назархўжа олдига қўзғолонни бирлаштириш мақсадида жўнатади. Бобобек Жиззах қўзғолони раҳбарлари билан учрашиб, акасининг фикрини уларга етказгандан сўнг улар Боғдонга Назирхўжа эшон, Муҳаммадраҳим Абдурахимов ва бошқаларни вакил қилиб юборишади. Улар Абдурахмон жевачининг уйида маҳалла фаоллари ва оқсоқоллари билан қўзғолонни тайёрлаш, Жиззах қўзғолонига амалий ёрдам бериш ва биргаликда рус истилочи кўшинларини тор-мор қилиш, Туркистон ўлкаси мустақиллигини таъминлаш масалаларини муҳокама қилишади.

13 июль кунининг иккинчи ярмида Жиззахдан отчопар келиб, Абдурахмон жевачига Жиззах шаҳрида қўзғолон бошлангани, Боғдонда қўзғолон кўтаришни зудлик билан амалга ошириш лозимлиги ҳақида хабар келтиради. Абдурахмон жевачи фаолларни уйига таклиф қилиб, Жиззах қўзғолонини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳақида зудлик билан барча қишлоқларга хабарчиларни юбориб, халқни исёнга кўтариш зарурлигини уқтиради. Биринчи бўлиб Янгиқишлоқ аҳолиси оёққа туриб, қишлоқнинг катта-кичик, ёшу қариси кетмон, болта, паншаха ва калтак билан қуролланиб, полиция маҳкамаси томон йўл оладилар.

Қўзғолонлар «Мардикорликка бормаимиз!», «Мардикорликка бойларнинг болалари борсин!» деган талабларни кўтариб чиқадилар. Қўзғолончилар тезроқ жиззахликларга ёрдам бериш учун отланиш зарурлигини тушунадилар.

1957 йили 24 май куни Абдурахмон жевачининг ўғли мулла Довул Абдурахмонов хонадонидида бўлган суҳбатда у киши қуйидагиларни ҳикоя қилиб берган эди: «...Жиззахда қўзғолон кўтарилгани тўғрисидаги хабар етиб келиши билан, минглаб кишилар Жиззах қўзғолонига ёрдам бериш, босқинчи кўшинлар билан жанг қилиш учун кимдир отда, кимдир эшакда, аравада Жиззах томон йўл олади. Отамнинг топшириғига мувофиқ мен Янгиқишлоқ, Кўҳнабозор қишлоғи одамлари билан биргаликда Жиззах томон отландим. Бу юришда отамга унинг сафдошлари Нормурод Ҳасанбоев, оқсоқоллардан Кубай Туришбоев, Абдурауф Орифжонов, Жанқобул Раҳмонқулов, Қунғирбой Қосимов ва Зиёд Сариевлар ҳамроҳ бўлдилар».

Қўзғолончилар 21 июль куни Қили қишлоғи ёнида рус аскарлари билан мардларча жанг қилдилар. Минг афсуски, таёқ ва ўроқлар билан қуролланган қўзғолончилар яхши қуролланган рус аскарларига бас кела олмайдилар. Халоскорлар ўз мақсадларига етолмай енгиладилар. Юзлаб кишилар жанг майдонида рус аскарлари ўқидан ҳалок бўладилар ёки оғир жароҳатландилар. Қўзғолончиларнинг бир қисми рус аскарларининг таъқибидан тоғларга, чўлларга кўчиб қутуладилар. Қўзғолон бостирилгандан кейин бутун Боғдон музофоти бўйлаб жазо отряди кезиб, гуноҳсиз ёшу қариларни қиличдан ўтказди, қишлоқларга ўт кўяди.

Орадан неча кун ўтгандан сўнг Иванов қўмандаси билан темир йўлни тузатиб Жиззахга аскар олиб келди. Қимни кўрса ўлдурди. Иморат ва қишлоқларни ёндурди. Халқ даҳшатга чидай олмай тоғ, чўл, қумлар орасига қоча бошлади. Рукин ўрнига полковник Иванов, унга таржимон бўлиб Абдужабборов тайин бўлди. Абдужабборов ўз қишлоғини талаш ва ёндиришдан қутқарди... Урушнинг учинчи куни эди. Халқни гуноҳини тиламоқ учун борган тараққийпарвар Қори Зиё ва Нуриддинхўжа Мағруфхўжа ўғли ва Абдусамад махзум деганларни Иванов осдириб юборди. Назирхўжа ўз аскари билан Боғдон районида ўтди. Бундан сўнг жасоратли Абдурахмон жевачи билан бирлашиб, Иванов аскари билан уруш қилдилар.

Халқ қўзғолончилар ва Абдурахмон жевачи, Назирхўжага ёрдам бера бошлади, таъминот ҳам яхшиланди. Бешинчи кун Ивановга ҳужум бўлди. Тоғдан туриб қўзғолончилар ўқ отди, аммо қутурган ҳукумат аскарлари босиб келиб кўп қишлоқларни яксон қилди. Урушнинг олтинчи куни Иванов томонидан қуйдирилмаган қишлоқлар қолмади. Абдурахмон ва Назирхўжалар енгилиб, аскарларини тарқатиб юборди.

Нихоят, 20 кундан кейин Абдурахмон жевачи ва Назирхўжалар ҳарбий полевой суднинг ҳукми билан Жиззахда осилдилар.

Абдурахмон Жевачи ҳақида

Абдурахмон жевачи миллатчи бўлмаганлигини қуйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди.

Боғдондаги халқ ҳаракатини ўз кўзи билан кўрган, Ётоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Кенгаш бобо қўзғолон раҳбари Абдурахмон жевачи ҳақида қуйидагича эслайди:

«Абдурахмон жевачи бойнинг ўғли эмас, бой ҳам бўлмаган, ҳатто бек ҳам. Лекин Боғдон қўзғолонига бош бўлиб, оқ подшога қарши Жиззахга борганини яхши биламан».

Абдурахмон жевачи 1846 йили ҳозирги Фориш туманининг Кўҳнабозор қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида таваллуд топади. 1866 йил эски мактабга

киради, отаси Абдужаббор вафот этгач, ўқишни ташлаб Михин қишлоғида отасидан қолган 2 гектар ерда деҳқончилик билан шуғулланади. Абдурахмон жевачининг 8 ўғли, 4 қизи бўлган. Баъзи тарихчиларнинг асарларида ёзилганидек, унинг қўша-қўша ҳовлилари ҳам, сон-саноқсиз мол-мулклари ҳам, тоқзорлари на пахта экадиган майдонлари ҳам бўлмаган.

Абдурахмон жевачи бошчилик қилган Боғдон кўзғолони чор ҳукумати томонидан аёвсизларча бостирилди. Кўзғолончиларнинг кўплари осиб ўлдирилди, турмага ташланди ва узоқ сургунларга бадарға қилинди. Тергов ҳужжатларида қайд қилинишига қараганда, Абдурахмон жевачига судда «Нега халқни кўзғолонга чорладинг?» деб берган саволга, у «Россия империяси Туркистонни босиб олгандан сўнг халқ аёвсизларча таланди, исломнинг шариат қонунлари оёқости қилинди. Кўплаб мачитларимиз, тарихий обидаларимиз бузилиб, китобларимиз ёндирилди, илмли кишилардан ўч олинди, турмаларга ташланди. Бу ҳам етмаганидек, оқ подшонинг фармони билан маҳаллий миллат вакиллари мардикорликка чақирилиши халқ сабр-косасини тошириб юборди. Биз Жиззах, Самарқанд ва Тошкент шаҳри аҳолиси билан бирлашиб озод Туркистон жумҳуриятини тузишга бел боғлаган эдик. Минг афсуски, ўйлаган ўйларим амалга ошмай қолди, деб жавоб беради. Ҳарбий дала суд ўз ҳайъати ҳукми билан жасур йўлбошчи Абдурахмон жевачи ва унинг дўстларини Жиззахнинг Қўтурбулоқ мавзеида осиб ўлдирдилар. Ҳукми амалга ошириш олдидан Абдурахмон жевачига: «Сен халойиқ олдидан қилган ишимдан пушаймонман, тавба қилдим, мени кечиринглар деб айтсанг, сени ўлимдан озод қиламиз», дейишди. Абдурахмон жевачи эса ғазабга тўлиб: «Мен сотқин эмасман, мен халқ озодлиги учун курашдим, ўз йўлимдан ҳеч қайтмайман, алвидо, юртдошлар!» дея сиртмоқни ўз кўли билан бўйнига солди ва мардларча ҳаётдан кўз юмди. Кўзғолончиларнинг жасадлари аравада ярим тунда Самарқанд шаҳрига олиб кетилди ва яширинча дафн этилди.

Кўзғолон иштирокчиларидан Саврон Ҳасанов, Муса Тоғаев, Мамат Мусаев, Чиғурчи Назаров, Жонузоқ Тоғаев, Суқон Эшматов, Синдор Давронов каби кишиларнинг ҳар бири 10 йил муддат билан қамоққа олиниб Сибирга юборилдилар.

Абдурахмон жевачининг кўплаб набиралари ҳозир халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётирлар. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Рашид Золов, Эркин Достонов, Зулқарнайн Ҳасанов, Усмон Исроилов, Нусха Ҳасанова, Карим Давилов, Зухра ва Майрам Раҳмонқуловалар шулар жумласидандир.

Етмиш олти йил ўтгандан кейин Абдурахмон жевачи бошчилик қилган кўзғолон ўзининг ҳақиқий баҳосини олди. Халқимиз чор ҳукуматининг мерос-хўри бўлган собиқ империя истибдодидан халос бўлди. Аждодларимиз орзу

қилган кун рўёбга чикди. Абдурахмон жевачи озодлигимиз учун курашган ҳақиқий инсон бўлган.

1916 йил қўзғолонида аҳолининг барча табақаси иштирок этган. Жайноқ мингбоши ҳам қўзғолончиларга Абдурахмон жевачи қатори бош бўлиб мустамлакачиларга қарши борган. Жиззах қўзғолони етакчиларининг бир қисми Сибирга сургун қилинган.

Ватанимизнинг мустақилликка эришуви бундай ноҳақликларга чек қўйди. Абдурахмон жевачи бошчилик қилган Боғдон қўзғолони тўғрисида олимлардан Тельман Жавлонов ва Ҳайитбой Ҳайдаровлар ҳақиқатни ёзиб чиқдилар. Мустақиллик учун курашган ҳамюртларимиз мустақил Ватанда кадр-қимматларини топдилар.

Ҳақиқат, озодлик, мустақиллик учун ҳалок бўлган халқ қаҳрамонлари бадном этилган ўша машъум кунларда ҳамқишлоқлари қўзғолон қатнашчиларининг қабрларини зиёрат қилишдан ҳам қўрқардилар. Машъум сиёсат халқнинг ҳам жисмини, ҳам онгини исканжага олган эди. Мустақиллик туфайли халқ кўксига шабада тегиб, енгил нафас олди. Қаҳрамонлар дафн этилган қабристон ҳар йили улар отилган кун - 16 июлда гулларга тўлиб кетади.

Қўзғолон бостирилгач, Боғдондан 1044 киши фронт ортидаги ишларга мардикорликка олинди. Буларнинг ичида халқ бахшиси Қурбонали Мўминов ҳам бор эди. У ўша кунлардаги халқнинг дард-ҳасратлари, ғам-аламлари, мардикорларнинг бошларига тушган қийинчилик, азоб-уқубатлар тўғрисида қуйидаги шеърни тўқиган эди.

УЙҒОНИШ

(Боғдон қўзғолонининг 75 йиллиги олдидан "Жизни уплати" газетасидаги мақолани ўқуб)

Баланд тоғлар орасида Боғдон деган гўша бор,
Чўнг тошларни ёриб чиқар, ол чечаклар ҳар баҳор.
Ол чечаклар элдошларнинг қонидан ранг олмишдир,
Интиқом, деб жон берганлар рамзи бўлиб қолмишдир
Тавоф айланг тупроғини, боболарнинг изи бор,
"Ал-қасос ул-минал ҳақ" деб наъра тортган сўзи бор.
Ҳар бир тошда тарах битик, армон, ҳасрат, зор битик.
Етимларнинг дод-фарёди, жабру зулм, ҳар битик.
Ўн олтинчи йил халқ учун беқут, оғир йил бўлди,
Чор ҳукумат одам олди, кўзда ёшлар сел бўлди.
Мардикорга бериш учун йигитлар хатга тушди,
Камбағалнинг шўри қуриб, хат эмас, ўтга тушди.
Кенгаш учун жевачининг ҳовлиси торлик қилди,
Совуқбулоқ атрофига эл тумонат йиғилди.
Юрт отаси Абдурахмон жевачи сўз бошлади,

Оқсоқолнинг ёнди бағри, кўзларини ёшлади.
Юртдошларим, жигарларим, ақл билан иш қилинг,
Тўраларга арз этайлик, қадрингизни сиз билинг.
Йигитлардир суянчимиз, ишончимиз, тоғимиз,
Улар кетса хазон бўлар яшнаган боғ-роғимиз.
Бардам бўлинг, йигитларни мардикорга бермаймиз,
Оқ подшонинг буйруғига биз итоат қилмаймиз.
Оқ соқоли кўксин қоплаб, жевачи йўл бошлади,
Бариллонинг уйи томон ўктам қадам ташлади.
Орқасидан ўғиллари Достон, Рустам, Исломи,
Етти ўғлон, етти арслон -мард азамат полвони.
Халқ ичида нақл борким, ола ичидан чиқади,
Ғаним эмас, сотқин олчоқ бекас чалиб йиқади.
Бариллони чақир бўлди, халқ сени ўлдирар, деб Гезроц
Қочгин пайт борида, паймонанг тўлдирар, деб.
Оқ подшонинг олчоқ ити Барилло йўлга тушди,
Жони ширин экан жуда, бошидан аку учди.
Халқ чайқалди мисли денгиз, Жиззах томон йўл олди,
Гўдақлару қиз-жувонлар, оналар йиғлаб қолди.
Тўплар бирдан наъра тортди, олатасир бошланди,
Буролланган юзлаб солдат халқ устига ташланди.
Еру кўкни тутиб кетди ярадорлар фарёди,
Ҳеч бир киши тингламади қуролсиз халқ арз-додин,
Мулла Чинни, Жонодилни, Каттабекни тутдилар,
Матлаб, Саврон, Анас, Аббос, барин қатл этдилар.
Форишнинг чунг тошларидай Жевачининг кўкси тоғ,
Дор остида хитоб айлар соболи мисли байроқ.
Шотолибнинг аждодлари омон бўлинг, алвидо,
Ўкинмайман, ҳақиқат деб қилаяпман жон фидо.
Мен ўламан, сизлар билан руҳим бирга бўлади,
Бу заминга ҳали кўплаб жевачилар келади.
Қанча-қанча марду майдон пешволар осилди,
Бегуноҳ хур, норасталар омон топмай отилди.
Аскар босди мўру малах қишлоққа ўт қўйилди,
Сойлар окди қаҳрга тўлиб, аҳлу аёл сўйилди.
Босқинчилар авлоди, деб Шаҳтолиблар ном олди,
Бу қора доғ ҳақиқатнинг юзига соя солди.
Истиқлолнинг шабадаси эллар аро эсганда,
Ҳақиқатнинг юзидан қора ниқоб йиртилди.
Демократия адолатни байроқ қилиб кезганда,
Бўхтонлару сохталиклар бир-бир тафтиш этилди.
Вақти етди Жевачининг руҳини шод этишга,
Бобомизнинг улуғ номин тарихларга битишга.

Муҳаббат ЭРҒАШЕВА

Фотолавҳалар



Абдурахмон жевачи оиласи даврасида. 1916 йил



Жиззах кўзғолони яловбардорлари



Рамзий қабр. 2018 йил 9 май

Абдурахмон Жевачи - озодлик курашчиси

Мустақиллик халқимизга беқиёс имкониятларни берди, ўзлигимизни танидик, улуғ миллат эканлигимизни дунё тан олди. Шукурки, бугун эркин ва озод ҳаёт кечиряпмиз, турмушимиз фаровон.

Аммо бундай тинч ва осойишта ҳаётга осонлик билан эришилмади. Аجدодларимиз асрлар давомида орзу қилган бу дориламон кунлар учун халқимиз ва миллатимизнинг минглаб асл фарзандлари жонини фидо қилди, озодлик учун курашдилар.

Ана шундай миллат озодлиги учун курашган, 1916 йилдаги Жиззах кўзғолони яловбардорларидан бири Абдурахмон Жевачи (Абдужаббор ўғли) эди.

Жиззах вилояти Фориш тумани, Кўҳнабозор қишлоғидаги 5-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилган хотира тадбирида эрк ва озодлик курашчиси Абдурахмон Жевачининг мард ўғлонларга бош бўлиб, ёвга қарши мардонавор курашганлиги хақида сўз юритилди.

- Назирхўжа Эшон, Муҳаммад Раҳим, Абдурахмон Жевачи етакчилигида бошланган “Боғдон волости кўзғолони” халқимизнинг зўравонлик, зулм ва

мутеликка қарши исёни эди, - дейди меҳнат фахрийси, тарихчи Айюб Жумхуров. – Бу исён мустамлакачилар томонидан шафқатсиз бостирилган бўлса-да, миллий озодлик ҳаракатининг илк кўринишлари эди. Унинг тарихий аҳамияти шундаки, у эзилган халқнинг эрк ва озодлиги, ҳақ-ҳуқуқи учун мардонавор курашчиларни майдонга чиқарди. Жафокаш элнинг онгу тафаккурида мустамлакачилик ва зулмга қарши бирлашиб курашиш орқалигина озодликка эришиш мумкинлиги ҳақида умид ва ишонч уйғотди.

Собиқ иттифоқ даврида бу исён дин пешволарининг қутқуси билан рўй берган реакцион қўзғолон, деб нотўғри талқин қилинди. Аслида қўзғолоннинг бошида халқни озод ва мустақил кўришни орзу қилган элнинг мард ўғлонлари турдилар. Улардан бири Абдурахмон Жевачи эди.

Шукурки, бугун Ватан хуррияти йўлида босқинчиларга қарши чиққан озодлик ҳаракати аъзоларининг ҳаёт йўли мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб қайта тиклана бошланди. Бундай эзгу ишлар бугун ҳам давом этиб, форишлик ижодкор педагог Анвар Жавлонов Жевачи ҳақида тарихий ҳақиқатни рўёбга чиқарди. Унинг бугунги авлодлари билан суҳбатлашиб, уларнинг хотираларини ёзиб, тарихий маълумотларни қайта ўрганиб, «Тоғ бургут» номли қиссани ўқувчилар ҳукмига ҳавола этди. Ўзим эса Абдурахмон Абдужаббор ўғли бошчилигидаги миллий-озодлик ҳаракати тарихини аниқ фактлар асосида ёритишни мақсад қилиб, “Юртни севмоқ саодати” асаримни чоп эттирдим.

Тадбир давомида Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, таниқли тадбиркор, меҳнат фахрийси Жуманиёз Алибеков, форишлик зиёлилар ва фаоллар миллий истиқлол ғояси учун курашган маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизнинг бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрига етиб яшаши лозимлиги ҳақида тўхталдилар.

- Бу заминдан етишиб чиққан инсонлар халқимизнинг қандай ишларга қодирлиги, миллат эрки, хурлиги учун жонини фидо қилишлари мумкинлигини намоён этди, - деди Фармон Тошев. – Афсуски, маълум муддат мустамлакачилар тазйиқи остида озодлик учун курашган шахслар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни унутдик, уларнинг ҳаракатлари мазмунини бошқача талқин қилдик. Яқин тарихимизда ўчмас из қолдирган юртдошларимиз тақдирига оид маълумотлар архив папкаларида, музейларда очикланмасдан қолиб кетди. Ҳозир эса Абдурахмон Жевачи каби юрт қаҳрамонларининг ҳақиқати рўёбга чиқяпти.

Бугунги тадбирда иштирок этиб, билдикки, одамларнинг ўз тарихи, ўтмиши, аجدодлари бажарган эзгу амаллар, ота-боболари қандай фазилатларга эга бўлганликлари ҳақида билишни истайди, иштиёқи юқори. Бунини уларнинг ташаббуси билан Кўҳнабозор қишлоғининг марказий кўчасига Абдурахмон

Жевачи номи берилганидан ҳам билиш мумкин. Қўзғолон баҳонасида форишлик минглаб одамлар қатл этилгани, юзлаб хонадонлар ёқиб юборилганлигини ҳали одамлар унутмаган.

Жевачининг набираси Раҳмон Сарабеков, у кишининг фарзандлари, қолаверса, кўхнабозорликларнинг бу каби тадбирларни ташкил этиб, зиёли, юртсевар бобосининг хотирасини тиклаш, тарихий ҳақиқатни очиқлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари халқимизга ибрат намунасидир.

Тадбир якунида иштирокчилар қишлоқ қабристонида бўлиб, Абдурахмон Жевачи хотираси учун ўрнатилган ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилдилар. Форишлик отахонлар миллат қаҳрамонлари номини абадийлаштириш ҳаракатида бўлаётган олимлар ва фаоллар ҳақиқа дуо ўқидилар.

Хулоса

Боғдон қўзғолони — 1917 йилда Россия империясидаги катта сиёсий ва ижтимоий тартибсизликлар оқибатида содир бўлган ҳодиса. Бу қўзғолонда турли халқлар ва гуруҳлар, жумладан, Жевачилар ҳам иштирок этган.

Жевачилар — асосан Қозоғистон ва Қирғизистоннинг баъзи ҳудудларида яшовчи этник гуруҳ бўлиб, уларнинг айримлари Боғдон қўзғолонида фаол иштирок этишган. Улар қўзғолонда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз ҳудудларидаги сиёсий ва ижтимоий адолатсизликларга қарши курашиш мақсадида курашган.

Жевачиларнинг Боғдон қўзғолонидаги иштироки, одатда, маҳаллий аҳоли манфаатларини, ер ва ресурсларга бўлган талабларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлган. Улар қўзғолончилар билан ҳамкорлик қилган ёки айрим ҳолларда мустақил ҳаракат қилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жумхуров, Айюб
Юртни севмоқ саодати[Матн]/А.Жумхуров, Р. Сорабеков.-
Т.:”MASHHUR-PRESS”,2019.-96 б.
2. Малумотлар интернетманбаларидан олинди.